



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 04 | pp. 169-179 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА РЕНТАБЕЛЛИК ВА МАРЖИНАЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ



Тожибоева Шахноза Анваровна

ТДИУ “Молиявий таҳлил” кафедраси доценти,

иқтисод фанлари номзоди

shahnoza_tojiboyeva@mail.ru

Аннотация. Мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида рентабеллик ва маржиналлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш масалалари ёритилган. Тадқиқот натижалари корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш бўйича мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлаш асосида инвестицион жозибадорлигини кўтариш, молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш ва молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Таянч сўзлар: молиявий натижалар, рентабеллик даражаси, маржиналлик коэффициенти, самарадорлик, инвестициялар, таққолама таҳлил, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий барқарорлик.

Аннотация. В статье проведен анализ показателей рентабельности и маржинальности на основе международных стандартов финансовой отчетности и нормативных документов, действующих в нашей стране. Результаты исследования позволяют повысить инвестиционную привлекательность предприятий на основе определения существующих внутриэкономических возможностей повышения уровня рентабельности, дать правильную оценку финансово-хозяйственной деятельности и обеспечить стабильность финансового положения.

Ключевые слова: финансовые результаты, уровень рентабельности, коэффициент маржинальности, эффективность, инвестиции, сравнительный анализ, международные стандарты финансовой отчетности, финансовая устойчивость.

Annotation. The article analyzes profitability and margin indicators based on international financial reporting standards and regulatory documents in force in our country. The results of the study make it possible to increase the investment attractiveness of enterprises based on identifying existing internal economic opportunities for increasing the level of profitability, giving a correct assessment of financial and economic activities and ensuring the stability of the financial situation.

Key words: financial results, level of profitability, marginality ratio, efficiency, investments, comparative analysis, international financial reporting standards, financial stability.

Кириш. Республикамизда иқтисодий ривожлантириш шароитида иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида хўжалик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, самарадорлигини оширишни тақозо этади. Самарадорлик улар фаолиятининг молиявий натижаларида ўз ифодасини топади. Молиявий натижалар корхона фаолиятининг барча томонларини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, унинг миқдорида маҳсулот ҳажми ва сифати, маҳсулот тури, таннарх даражаси ва бошқа бир қанча омиллар таъсир қилади. Ўз ўрнида молиявий натижа корхонанинг ўз айланма маблағларига, тўлов қобилиятига таъсирини ўтказди. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб фойда ва рентабеллик даражаси ҳисобланади. Зеро, молиявий натижалар уларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда кейинги йилларда инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди, молиявий ҳисобот ва аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларини жорий этиш мақсадида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, иқтисодий тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилмоқда [1,2,3,4]. Бу эса, ўз навбатида хўжалик субъектлари инвестицион жозибadorлигини ошириш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида рентабеллик ва маржиналик кўрсаткичлари таҳлилинини ўтказишни долзарблигини белгилаб беради. Зеро, корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни олдиндан тахминлаш, уларни истиқболли ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш бўйича самарали бошқарув қарорларни қабул қилиш халқаро амалий тажрибалар асосида таҳлилни ташкил этишни талаб қилади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Хўжалик субъектларида рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили масалалари республикамиз ва хорижий иқтисодчи олимларининг илмий ишларида кенг кўламда ўрганиб чиқилган. Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра: “Рентабеллик корхона фаолияти самарадорлигини ифодаловчи сифат кўрсаткич ҳисобланади. Корхона рентабеллиги даражаси асос кўрсаткичининг фойдалалик миқдорини ифодалайди.” [7]. Иқтисодчи олима М.А.Вахрушинанинг фикрича: “Рентабеллик – корхона ҳисоби фаолиятининг кўрсаткичларидан бири, маълум вақт (йил, квартал) давомида ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдалилиги (зарарлиги) кўрсаткичидир” [6]. Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан: “Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилининг мақсади - рентабеллик даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш эвазига ички имкониятларни излаб топиш орқали корхона фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ҳисобланади” деб баён қилинган [10]. Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг кўрсатишича: “Таҳлил жараёнида рентабеллик даражасини жорий ва ўтган йилларга нисбатан ретроспектив тарзда ўрганиш, ўзгариш сабаблари ва омилларини баҳолаш лозим” [9]. Иқтисодий адабиётда рентабеллик кўрсаткичларини корхоналарнинг хўжалик фаолиятида қуйидаги функцияларни бажариши кўрсатиб ўтилган: ишлаб чиқаришни кенгайтириш,

замонавийлаштириш таъминланади; олинган кредит ва қарзларни қайтариш манбаси; корхонанинг тўлов қобилияти таъминланади; ижтимоий соҳасини ривожлантириш манбаси ҳисобланади [8]. Г.В.Савицкая ўз тадқиқотида: “Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари умумий иш самарадорлигини тавсифлайди ва фойдадан кўра кўпроқ бошқарувнинг якуний натижаларини акс эттиради, чунки уларнинг қиймати таъсирнинг пул ёки фойдаланилган ресурсларга нисбатини кўрсатади” деб изоҳлаб ўтган[11].

Мазкур мавзу бўйича хорижий иқтисодчи олимлар Сиви Арянтини, Сапто Жумонолар томонидан чоп қилинган илмий мақоланинг мақсади ДуПонт таҳлили асосида рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омилларни ҳамда уларнинг фирма қийматига таъсирини аниқлаш ҳисобланади. Детерминант рентабеллиги, яъни соф фойда маржаси, жами активларнинг айланувчанлиги ва молиявий рычаг мултипликатори хусусий капитал рентабеллигига ижобий таъсир кўрсатади, шу билан бирга сотиш коэффиценти салбий ва сезиларли таъсир кўрсатади. Бу эса раҳбариятни компаниянинг операцион фаолиятини самарали бошқариш ва операцион ҳамда бошқа харажатларни камайтириш, акционер капиталининг даромадлилиги ва фойда нормасини оширишда активлар ҳамда қарзлардан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Ушбу мақолада эса мазкур масалалар етарли даражада тадқиқ қилинган [5].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида анализ, синтез, таққослаш, молиявий коэффицентлар усуллари қўлланилган. Хусусан, анализ ва синтез усуллари таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда ва натижаларини умумлаштиришда қўлланилган. Таққослаш усули ёрдамида рентабеллик ва маржиналлик даражасининг ўзгариши аниқланган, уларни тизимли баҳолаш имкони бўлган. Молиявий коэффицентлар усулидан кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлигини ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилган.

Натижа ва муҳокама. Иқтисодий ривожлантириш шароитида корхоналар молиявий ҳолати ва фаолияти натижавийлигига баҳо беришда рентабеллик даражасини таҳлил қилиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Фойданинг мутлақ миқдори корхоналарининг хўжалик юритиш борасидаги самарадорик даражасини ҳар томонлама белгиламайди. Шу боисдан нисбий кўрсаткич - рентабеллик ва маржиналлик даражасини аниқлаш талаб қилинади. Рентабелликка эришиш учун сотишдан келган тушум қилинган харажатларни қоплаши ва маълум миқдорда фойдага эга бўлиши лозим. Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни уларда қатнашувчи бирликларга нисбатан белгилаш мумкин. Масалан, жами активлар рентабеллиги ўзгаришига солиқ тўлағунга қадар фойда ва жами активлар ўртача суммасининг ўзгариши таъсир этса, яъни фойда рентабеллигига яъни фойда ва соф тушум қийматининг ўзгаришлари таъсир қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатларда қуйидаги рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш тавсия қилинмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули

№	Кўрсаткич	Аниқланиш формуласи ва мазмани
1.	Акциядор инвестицияси рентабеллиги (TSR — Total Shareholders Return)	Акциянинг давр охиридаги баҳоси - акцияни давр бошидаги баҳоси + давр давомида тўланган дивидендлар/ акцияни давр бошидаги баҳоси. Аниқланиши: ички бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан олинади. Меъёр мавжуд эмас. Акциядорларнинг умумий даромади. Бу кўрсаткич биржа котировкаларининг ўзгариши ва дивидендлар ҳисобланиши натижасида акциядорларнинг даромадлилик даражасини ифодалайди. Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎзР ВМнинг 775 –сонли қарори.
2.	Жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE — Return on Capital Employed)	Соф фойда/Давр боши ва охиридаги жалб қилинган капитал . Аниқланиши: молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 270-сатри /бухгалтерия баланси ҳисобот шаклининг 480+570+580 сатрлари). Меъёр мавжуд эмас. Ташкилотнинг тижорат фаолиятига жалб қилинган ўз капитали ва жалб қилинган узоқ муддатли маблағлар (узоқ муддатли кредитлар, қарзлар) даромадининг кўрсаткичи. Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎзР ВМнинг 775 –сонли қарори.
3.	Акциядор капитали рентабеллиги (ROE — Return On Equity)	Соф фойда /Акциядор капиталининг ўртача йиллик қиймати. Аниқланиши: молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 270-сатри / бухгалтерия баланси ҳисобот шаклининг 410 сатри. Меъёр мавжуд эмас. Кредит бўйича фоизлар чегириб ташланганидан кейин ҳисобланган бизнеснинг эгалари учун рентабеллигини тавсифлайди (яъни, соф фойда, ROA ёки ROIC каби кўрсаткичлардан фарқли жиҳати кредит бўйича фоизлар миқдорига мослаштирилмайди). Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎзР ВМнинг 775 –сонли қарори.
4.	Жами активларнинг рентабеллиги	Солиқ тўлагунга қадар фойда $\times 100$ / Жами активларнинг ўртача қиймати. <u>Аниқланиши:</u> молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 240-сатри/ бухгалтерия баланси ҳисобот шаклининг 400–сатри. Агар ҳисобот даврида рентабеллик коэффициентлари нолдан паст (манфий кўрсаткич)га эга бўлса, у ҳолда корхона зарар кўриб ишлаётган, 0,05 дан паст бўлса корхона паст рентабелли ҳисобланади (монопол корхоналардан ташқари). Ташкилотнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади. Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎзР ВМнинг 775 ва 1013–сонли қарорлари.
5.	Харажатлар рентабеллиги	Солиқ тўлагунга қадар фойда $\times 100$ / жами харажатлар. <u>Аниқланиши:</u> молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 240- сатри /молиявий натижалар тўғрисидаги

		хисобот шаклининг 020+040+170+230- сатрлари. Агар ҳисобот даврида рентабеллик коэффицентлари нолдан паст қиймат (минус кўрсаткич)га эга бўлса, у ҳолда корхона зарар кўриб ишлаётган, 0,05 дан паст бўлса корхона паст рентабелли ҳисобланади (монопол корхоналардан ташқари). Ташкилотнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади. Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎзР ВМнинг 1013 –сонли қарори.
--	--	--

Манба: Меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Энди рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузамиз (2-жадвал).

2-жадвал

“Дори-дармон” акциядорлик компанияси рентабеллик кўрсаткичлари даражасини таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2021 йилга нисбатан фарқи (+,-)
1.	Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум	316564381,00	402132072,00	218 718 590,02	-183413481,98
2.	Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннари	281036379,00	378269210,00	199 374 577,08	-178894632,92
3.	Давр харажатлари	44595746,00	44708908,00	44 142 136,78	-566771,22
4.	Молиявий фаолият харажатлари	10985055,00	8740208,00	11 504 263,11	+2764055,11
5.	Солиқ тўлагунга қадар фойда	57416638,00	37943859,00	9 443 664,66	-28500194,34
6.	Жами активлар ўртача йиллик қиймати	271066091,5	336306561,5	328028202,415	-8278359,085
7.	Жалб қилинган капитал	2721702582,00	255718006,00	224282303,42	-31435702,58
8.	Акциядор капиталининг	219094395,00	86309600,00	86309600,00	-

	ўртача йиллик қиймати				
9.	Жалб қилинган капитал рентабеллиги коэффиценти $(5 \times 100/7)$, %	2,11	14,84	4,21	-10,63
10.	Акциядор капитали рентабеллиги коэффиценти $(5 \times 100/8)$, %	26,21	43,96	10,94	-33,02
11.	Жами активлар рентабеллиги коэффиценти $(5 \times 100/6)$, %	21,18	11,28	2,88	-8,4
12.	Харажатлар рентабеллиги коэффиценти $(5 \times 100/ 2+3+4)$, %	17,06	8,79	3,70	-5,09

Манба: “Дори-Дармон” акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, акциядорлик компаниясида жалб қилинган капитал рентабеллиги 2020 йилдаги 2,11 фоиздан 2021 йилга келиб 14,84 фоизга кўтарилган. 2022 йилга келиб 4,21 фоизни ташкил қилган ҳолда 2021 йилга нисбатан 10,21 фоизга камайган. Мазкур пасайиш тенденциясига компанияда солиқ тўлагунга қадар фойда ва жалб қилинган капитал қийматининг камайиши таъсир кўрсатган.

Компанияда таҳлил йилларида акциядор капитали рентабеллик коэффицентида ҳам ўсиш-камайиш тенденциясини кўришимиз мумкин. Жумладан 2020 йилда акциядор капитали рентабеллик даражаси 26,21 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 43,96 фоиздан иборат бўлган. 2022 йилда эса мазкур коэффицент сезиларли даражада камайган бўлиб, 10,94 фоиздан иборат бўлган ва 2021 йилга нисбатан 33,02 фоизга камайган. 2020 йилда жами активлар рентабеллиги 21,18 фоизни (0,2 коэффицент), 2021 йилда 11,28 фоиз (0,1 коэффицент), 2022 йилда эса 2,88 фоизни ташкил қилди. Коэффицентда ҳисобланса 0,03 бандни ташкил қилди. Бу эса унинг даражасини меъёрдан паст эканлигини кўрсатиб турибди. Агар коэффицент меъёри 0,05 дан паст бўлса компания паст рентабелли ҳисобланади (монополь корхоналардан ташқари). Компанияда жами активлар рентабеллик даражаси 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 8,4 фоизга камайган. Мазкур ҳолат компанияда жами активларнинг ўртача йиллик

қиймати ва солиқ тўлагунга қадар фойда ҳажмини камайганлиги билан изоҳланади. Компанияда харажатлар рентабеллиги коэффиценти 2020 йилда 17,06 фоизни (0,2 коэффицент), 2021 йилда эса 8,79 фоизни (0,09 коэффицент) ташкил қилиб меъёр даражасида бўлган. 2022 йилда эса харажатлар рентабеллик даражаси коэффиценти 3,70 фоизни ташкил қилган. Коэффицентда 0,04 бандни ташкил қилиб, меъёрдан паст бўлган. Харажатлар рентабеллик коэффиценти 0,05 дан паст чиқса, корхона паст рентабелли (монопол корхоналардан ташқари), нолдан паст (манфий кўрсаткич) чиқса эса корхона зарар кўриб ишлаётган ҳисобланади.

Халқаро амалиётда рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилида маржиналлик даражасига ҳам баҳо бериш лозим бўлади. Маржиналлик ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини, рентабеллик эса ташкилот ресурсларидан фойдаланиш муваффақиятини баҳолайди. Кўпинча “Маржа” ва “Маржиналлик” атамалари бир хил мазмунда кўрсатилади. Зеро, маржа кўрсаткичи пулда ҳисобланиб, маҳсулот сотилгандан кейин даромаддан қанча фойда қолганлигини кўрсатади, маржиналлик эса фоизда ҳисобланади ва олинган даромаддаги фойда улуши ҳисобланади. Маржиналлик бизнес самарадорлигини, даромаддаги фойданинг улушини яъни ҳар бир олинган сўмга қанча фойда тўғри келишини кўрсатади. Демак, маржиналлик бизнеснинг рентабеллигини баҳолашга ёрдам беради.

Маржиналлик кўрсаткичларини баҳолаш инвестицияларни жалб қилишда ҳам муҳим ҳисобланади. Бизнеснинг соф маржасини билиш сармоядорларга компания фаолиятини баҳолашга ёрдам беради ва у операцион ва қўшимча харажатларни етарли даражада қоплаш учун сотишдан етарли фойда олинadими ёки йўқлигини тушунишга ёрдам беради. Инвесторлар учун яхши белги - бу маржиналлик кўрсаткичнинг барқарор ўсиши ҳисобланади. Инвестор, рентабелликни билган ҳолда, компаниянинг қимматли қоғозларига инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаши мумкин. Даромадлилик, яъни маржиналлик коэффицентлари унга рақобатбардош бозорга сармоя киритиш учун барқарор ва рентабелли корхоналарни танлашга ёрдам беради. Бир неча йиллар давомида юқори рентабеллик даражасига эга бўлиш компаниянинг қарзларини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш имкониятини таъминлаш имконини беради. Инвестор рентабелликни таҳлил қилишда компания молиявий-хўжалик фаолиятининг объектив ҳолатини билиши учун бир нечта қоидаларга амал қилиши керак. Динамикани таҳлил қилиш асосий вазифа ҳисобланади. Инвестор 3-5 йил давомидаги рентабелликни баҳолаши керак. Қийматнинг ошиши бизнеснинг барқарор ривожланишининг белгиси ва инвестор учун яхши сигналдир. Шу боисдан ҳам инвестиция қўйиш мақсадида бизнес рентабеллигини баҳолашда маржиналлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Компания учун маржиналлик динамикасини ўрганиш катта аҳамиятга эга бўлиб, ресурсларни янада самаралироқ қайта тақсимлаш ва бизнесни янада ривожлантириш мақсадларини белгилаш имконини беради. Халқаро амалиётда бизнеснинг рентабеллигини баҳолашда қуйидаги асосий маржиналлик коэффицентлари таҳлил қилинади:[12]

1. Ялпи фойда маржиналлик коэффиценти = Ялпи фойда × 100 / Соф тушум.
Ялпи фойда маржиналлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш билан боғлиқ

барча тўғридан-тўғри харажатларни тўлаганидан кейин компания даромадининг неча фоизи қолаётганини кўрсатади. Мазкур коэффициентни ўзгаришига қуйидагилар таъсир қилади: сотиш баҳоси, маҳсулот ассортименти, сотиб олиш харажатлари, ишлаб чиқариш баҳоси, захиралар баҳоси. Ялпи фойда маржиналлиги соф тушумга нисбатан вақт бўйича таққослаш керак:

-сотиб олиш харажатлари ошяптими, агар, Ҳа бўлса компания харажатларни назорат қиляптими?

-захираларни ҳисобдан чиқариш (компания нобарқарор бозорда ишласа, масалан замонавий товарларни чакана савдоси).

-сотилган маҳсулотларни таннархига бошқа харажатларни олиб бориш, масалан илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари.

Ҳар хил компанияларни маржасини таққослаш ҳам фойдали ҳисобланади. Масалан, чакана озиқ-овқат маҳсулотларини сотувчилари катта ҳажмда маҳсулотларни сотиш ҳисобига маржани ушлаб турадилар. Заргарларга эса кам ҳажмдаги сотувни компенсация қилиш учун юқори маржа керак бўлади. Маржа кам бўлса, бу бизнесни кенгайтириш харажатлари ёки бозордаги улушни оширишдан далолат беради. Ўртадан юқори маржа яхши бошқарувдан далолатдир.

2. Асосий фаолият маржиналлик коэффициенти = $\frac{\text{Солиқ ва фойзлар тўлагунга қадар фойда (ЕБИТ)} \times 100}{\text{Соф тушум}}$. Асосий фаолият маржаси ялпи фойда маржасининг ошиши ҳисобланади (сотиш, маъмурий ва бошқа операцион харажатларни кўпайиши, фақат молиявий харажат ва солиқларгача). Агар ялпи фойда маржиналлиги компания маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишдан қанчалик фойда олаётганлигини кўрсатса, асосий фаолият маржиналлиги компания мазкур жараёни қанчалик бошқараётгани кўрсатади. Агар ялпи фойда маржиналлиги ўзгармаган бўлса, лекин асосий фаолият маржиналлиги ўзгарган бўлса қуйидаги имкониятларни кўриб чиқиш керак: бандлилик моделини ўзгариши (ишчи кучи); катта ҳажмдаги сотиб олишлар ва чиқиб кетишлар натижасида амортизацияни ўзгариши; катта ҳажмдаги умидсиз қарзларни списат қилиш; ижара шартларини ўзгариши; рекламага кўпроқ инвестиция қилиш; ёқилғи нархини кескин ўзгариши.

Асосий фаолият маржиналлигига нисбатан ялпи фойда маржиналлигига кўпроқ омиллар таъсир қилади. Бу ерда доимий ва шартли доимий харажатларни (кўчмас мулк харажатлари) эътиборга олинапти. Мазкур харажатлар даромад ошса ҳам ўзгармайди. Бошқа харажатлар ўзгарувчан бўлади (ўраш, комисион тўловлар).

3. Соф фойда маржиналлик коэффициенти = $\frac{\text{Соф фойда} \times 100}{\text{Соф тушум}}$. Бу кўрсаткич операцион, қўшимча харажатлар ва бошқа барча харажатлар чегириб ташланганидан кейин қолган фойда улушини кўрсатади. Соф фойда маржиналлиги компания фаолиятининг қанчалик самарали эканлигини, харажатларини қанчалик яхши назорат қилишини кўрсатади. Шунингдек, соф фойда маржиналлиги қанчалик паст бўлса, компаниянинг хавфсизлик маржаси шунчалик кичик бўлади ва ҳатто савдо ёки иқтисодиётдаги кичик салбий ўзгаришлар ҳам йўқотишларга олиб келиши мумкин. Маркетологлар учун соф фойда маржиналлик коэффициенти маълум бир бўлинманинг рентабеллигини ва сотиш самарадорлигини ошириш учун чора кўриш керак бўлган соҳаларни аниқлашга ёрдам беради. Соф фойда

маржиналлиги маълум бир бозорнинг монополлашув даражасини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Молиявий нашрларда мақбул соф фойда маржиналлиги 10-20 фоизни ташкил қилиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Бироқ, ўтказилган тадқиқотлар натижасида мазкур кўрсаткич компанияларда ўртача 7,5 фоиздан кўп эмаслиги кўриниб турибди. Умуман олганда, соф фойда маржиналлиги қанчалик юқори бўлса, шунча яхши бўлади. Аммо бизнес самарадорлигини объектив баҳолаш мазкур коэффицентни ўртача қийматлар билан эмас, балки ҳақиқий рақобатчилар ва тармоқдаги худди шундай корхоналарнинг кўрсаткичлари билан солиштириш лозим. Энди маржиналлик коэффицентларини таҳлил қилиш учун қуйидаги 3-жадвални тузми.

3-жадвал

“Дори-Дармон” акциядорлик компанияси маржиналлик коэффицентлари даражасини таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2021 йилга нисбатан фарқи (+,-)
1.	Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум	3165643 81.00	4021320 72.00	218 718 590,02	- 183413481,98
2.	Ялпи фойда	3552800 2.00	2386286 2.00	19 344 012,94	- 4518849,06
3.	Солиқ тўлагунга қадар фойда	5741663 8.00	3794385 9.00	9 443 664,66	- 28500194,34
4.	Соф фойда	5376243 5.00	3269018 0.00	8 050 514,91	- 24639665,09
5.	Ялпи фойда маржиналлик коэффиценти (2 x 100/1), %	11,22	5,93	8,84	+2,91
6.	Асосий фаолият маржиналлик коэффиценти (3 x 100/1), %	18,14	9,43	4,32	-5,11
7.	Соф фойда маржиналлик коэффиценти (4 x 100/1), %	16,98	8,13	3,68	-4,45

Манба: “Дори-Дармон” акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Дори-Дармон” акциядорлик компаниясида ялпи фойда маржаси коэффиценти 2021 йилда 5,93 фоизни, 2022

йилда эса 8,84 фоизни ташкил қилган ҳолда, 2,91 фоизга ошган. Бу ҳолат соф тушум ва ялпи фойда ҳажмини камайганлиги билан белгиланади. Демак, компанияда 2022 йили ҳар соф тушумга 5,93 сўмлик ялпи фойда тўғри келмоқда. Жадвалдан кўриниб турибдики, асосий фаолият маржиналлик коэффиценти йиллар кесимида пасайганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2020 йилдаги 18,14 фоиздан 2021 йилга келиб 9,43 фоизга пасайган. 2021 йилда эса мазкур коэффицентнинг даражаси 4,32 фоизни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 5,11 фоизга камайганлигини кўриш мумкин. Демак, компанияда асосий фаолият маржиналлик даражасини камайишига таъсир қилувчи омиллар - бу солиқ тўлагунга қадар фойда ва соф тушум ҳажмини камайиши ҳисобланади. Халқаро молиявий таҳлил амалиётида соф фойда маржаси коэффицентини ҳам ҳисоблаш тавсия қилинган. Компанияда мазкур коэффицент даражасини йиллар кесимида пасайганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2021 йилда 16,98 соф фойда маржаси коэффиценти 16,98 фоиздан иборат бўлиб, ҳар сўмлик соф тушумга 16,98 сўмлик солиқ тўлагунга қадар фойда тўғри келмоқда. Компанияда соф фойда маржаси коэффиценти 2021 йилдаги 8,13 фоиздан 2022 йилга келиб, 3,68 фоизга пасайган ҳолда, 4,45 фоизга камайди. Бу эса компанияда 2022 йилда 2021 йилга нисбатан соф тушум ва соф фойда ҳажмини камайганлиги билан изоҳланади. Мутаносиб равишда бу ҳолат соф фойда маржасини камайишига салбий таъсир кўрсатган. Демак, компанияда соф фойда маржиналлик коэффиценти 2020 тавсия қилинган маъёр даражасида бўлиб, 16,98 фоизни ташкил қилган. 2021 йилда ҳам мазку коэффицент ўртача даражадан иборат бўлган ҳолда 8,13 фоиздан иборат бўлган. Соф фойда маржиналлик коэффиценти 2022 йилга келиб ўртача меъёр даражасидан анча паст бўлган (3,68 фоиз). “Дори-Дармон” акциядорлик компанияси бошқарув маъмурияти рентабеллик даражасини ошириш учун маржиналлик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича керакли амалий тадбирларни амалга оширишлари керак бўлади.

Хулоса. Рентабеллик ва маржиналлик кўрсаткичлари даражасини таҳлил қилиш корхоналар молиявий ҳолати барқарорлиги таҳлилининг асосий босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбари, аудиторлар ва таҳлилчилар эътибор марказида бўлиши лозим. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, акциядорлик компаниясида рентабеллик ва маржиналлик кўрсаткичлари даражасини оширишнинг ички имкониятлари мавжуд бўлиб, биринчи навбатда кўрсаткичларнинг таркибий тузилишини яхшилаш керак. Таҳлил объекти бошқарув маъмурияти рентабеллик ва маржиналлик кўрсаткичлари даражасини ошириш бўйича керакли тадбирларни амалга ошириши лозим ҳисобланади. Зеро, бизнесдаги ҳолат ва унинг келгусидаги ривожини прогнозлаш юзасидан МҲХС асосида қиёсий таҳлилни ҳам амалга оширилиши керак. Шу билан бирга бизнесини реструктуризация қилишда, молиявий соғломлаштириш, молиявий модел тузишда ҳам рентабеллик кўрсаткичларни таҳлили натижалари муҳим ҳисобланади. Корхоналарда рентабеллик кўрсаткичлари даражасини ошириш бўйича қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин: ишлаб чиқаришни модернизация, реконструкция, диверсификация қилиш ва инновация технологияларини жалб қилиш; бир сўмлик маҳсулот учун қилинадиган жами харажатларни қисқартириш; ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали

фойдаланиш натижасига кўра маҳсулот фонд сифими, материал сифимини пасайтириш. Акциядорлик компанияси бошқарув маъмурияти таҳлил натижасида аниқланган ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши, уларни амалиётга сафарбар қилиши лозим. Берилган рентабеллик ва маржиналлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усулларини амалиётда жорий қилинса корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини кўтариш, рақобатбардошлиги, рентабеллигини ва молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш, молиявий ва иқтисодий салоҳиятни ошириш имкони бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-72-сон қарори. 2021 йил 30 декабрь.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори. 2020 йил 24 февраль.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сон қарори. 2018 йил 14 декабрь.

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сон қарори. 2020 йил 9 декабрь.

5.Aryantini, S & Jumono, S. (2021). Profitability and value of firm: An evidence from manufacturing industry in Indonesia.Accounting, 7(4), 735-746.<http://leeds-faculty.colorado.edu/jere1232/Harrigan%20and%20Wing%20Corporate%20Renewal%20SI.pdf>.

6.Вахрушина М.А. Анализ финансовой отчетности. Учебник. – М. : ИНФРА-М, 2022.

7.Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: 2017.

8.Тожибоева Ш.А. Молиявий таҳлил-2. Дарслик. –Т.: Инновацион ривожланиш, 2021.

9.Хасанов Б.А. ва бошқалар. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Lesson-Press, 2022.

10.Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. –Т.:Сано-стандарт, 2017.

11. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. – М.: ИНФО, 2014.

12. МХХС бўйича молиявий ҳисобот (F7, АССА) курси ўқув фани материаллари , 2024.

